

# ХИЗМАТ КУРСАТИШ УЧУН ШАРТНОМА № 20130

13 май 2022 йил

Яйпан шаҳри

“Узбекистон тумани МТБ “ бундан буён «Буюртмачи» деб аталувчи номидан Устав асосида иш юритувчи Г. Күнисева бир томондан, иккинчи томондан Узбекистон тумани тиббиёт бирлашмаси бундан буён «Хизмат курсатувчи » деб аталувчи номидан Х.А.Курбонов иккинчи томонидан куйидагилар тўғрисида ушбу шартномани туздилар.

## 1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. «Хизмат курсатувчи» ходимларни тиббий курикдан утказдириш , «Буюртмачи» эса уларга курсатилган хизматлар хакини ушбу шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Бажарилган ишларни номи, микдори ва нархи шартномада белгиланган пунктларга асосан курсатилади.

## 2. ХИЗМАТЛАР НАРХИ, ТУЛАШ МУДДАТИ

2.1Хизмат курсатиш кунлари ва нархи шартнома тарафлари томонидан келишилади.

№	Хизмат тури	Улчов бирлиги	микдори	нархи	Суммаси
1	Тиббий хизмат (Аёллар учун)	киши	1200	106000	127200000
2	Тиббий хизмат(Эркаклар учун)	киши	228	79000	18012000
<b>Жами:</b>					<b>145212000</b>

Сумма суз билан : **Бир юз қирқ беш миллион икки юз ўн икки минг сум**

2.2 «Буюртмачи» «Хизмат курсатувчи»га олдиндан бажариладиган ишлар учун 30% микдорида олдиндан пул утказиш йули билан толовни амалга оширади.

## 3. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

3.1. Шартнома мазкур шартнома ва конун хужжатлари шартлари ва талабларига мувофик зарур тарзда бажарилиши керак.

3.2 Шартномада назарда тутилган хизматлар графикда курсатилган муддатларда ва хажмда мазкур шартномада курсатилган давр мобайнида амалга оширилади.

## 4. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. «Хизмат курсатувчи» мажбуриятлари:

-Шартномада курсатилган талабларга риоя килган холда уз вактида «Буюртмачи»га хизмат курсатиши шарт;

-Шартноманинг шартлари «Хизмат курсатувчи» томонидан бузилганда «Буюртмачи» конунда белгиланган тартибда чора куришга хакли;

-«Хизмат курсатувчи» бажарилган ишлар хисоб-варакларда тулик ва аник, ишлар хажмини ва бошка курсатичларини курсатиш шарт. Шунингдек, хисоб-варакларни белгиланган тартибда ракамлаб, тулик реквизитларини расмийлаштириш шарт.

-«Буюртмачи» шартномада белгиланган талабларга риоя килган холда толовларни амалга ошириш.

- Тегишли даражада бажарилмаган ишлар аниклангандан кейин, бу хакда далолатнома ёзилиб кун ичida «Хизмат курсатувчи»ни огохлантириш.

-Тулик расмийлаштирилмаган хамда бажарилган ишлар хами ва микдорлари курсатилмаган хисоб-вараклар буйича толов амалга оширилмайди.

## 5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Ушбу шартнома буйича мажбуриятларни ижро этмаслиги ёки тегишлича бажарилмаслиги учун томонлар Узбекистон Республикаси Конунчилигига шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган тарзда жавобгардирлар.

5.2. «Хизмат курсатувчи» «Буюртмачи»нинг олдиндан маблаги булган холда бажарилиши керак булган ишларни белгиланган муддатда бажармаганлиги учун кечикирилган хар бир кун учун шартномада курсатилган сумманинг 0.5 % микдорида «Буюртмачи»га пеня тулайди, лекин пеня микдори шартнома кийматининг 50% дан ошмаслиги керак.

5.3. «Буюртмачи» бажарилган ишлар учун толовни уз вактида амалга оширмаса кечикирилган хар бир кун учун кечикирилган сумманинг 0.4% микдорида «Хизмат курсатувчи»га пеня тулайди, бунда пеняning умумий микдори кечикирилган сумманинг 50% дан ортик булмаслиги лозим.

## **6. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ**

6.1. Хеч бир тараф иккинчи тараф олдида узига бөглигүү булмаган сабабларга кура ва енгиб булмас күч мавжуд булган тақдирда ушбу шартномада курсатилган мажбуриятлари буйича жавобгар эмас. Фавкулотда тусдаги холатларга: сув тошкени, ёнгин, ер кимирлаши ва бошка табиий оғатлар, шунингдек харбий харакатлар, давлат органларининг актлари ёки харакатлари ва тарафлар назорат кила олмайдиган бошка, хар кандай холатлар тегишилер.

6.2. Тарафлар ушбу шартномада курсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари түгрисида албатта иккинчи тарафни огохлантириши шарт.

6.3. Агар бартараф килиб булмайдиган күч \_\_\_\_ ой узлуксиз давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда огохлантириб, шартноманинг ижросини бекор килиш мумкин.

## **7. МАЖБУРИЯТ ВА ЖАВОБГАРЛИК.**

7.1. «Хизмат курсатувчи» томонидан бажарилиш керак булган ишларни бажарып бериш муддатларини кечикириб юбориш, тулик етказиб бермаслик окибатида етказилган зарар «Хизмат курсатувчи» томонидан копланади.

7.2. Бажарилган ишлар хакини уз вактида туламаганлик учун «Буюртмачи» «Хизмат курсатувчи»га утказиб юборилган хар бир күн учун, кечикирилган тулов суммасини \_\_\_\_ фоизи микдорида аммо кечикирилган тулов суммаси шартнома умумий суммасининг \_\_\_\_ фоизидан ортиг булмаслиги керак.

7.3. Мазкур шартномада күзда тутилган мажбуриятларни бажармаслик ёки тегишли равишда бажармаслик холатлари аникланганда, тарафлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигига мувофик жавобгарликка тортилади.

7.4. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар келишиш имкони бўлмаганда эса Хўжалик суди томонидан хал килинади.

## **8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ КИЛИШ МУДДАТИ**

8.1. Мазкур шартнома муддати "13" майдан 2022 йилдан "31" декабрь 2022-йилгача амал киласи.

## **9. БОШКА ШАРТЛАР**

9.1. Мазкур шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва кўшимчалар хар иккала тарафлар оркали имзоланганидан кейин ва Газначиликдан руйхатдан утказилгандан кейин кучга киради.

9.2 Мазкур шартнома 2 нусухада тузилади бир нусхаси «Буюртмачи» да иккинчи нусхаси «Хизмат курсатувчи»да сакланади.

## **10. ТАРАФЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ**

«Хизмат курсатувчи»

Узбекистон туман Тиббиёт бирлашмаси  
(хизмат курсатувчи номи)

Манзил: Яйпан шахри Галаба 45-үй

Тел./факс 53-93-211  
ш/х\* 401422860302307073101054001

бюджетдан маблағ олувчи СТИРи 200189162

ОКОНХ91511

Газначилик бўлинмаси номи

Узбекистон туман газначилиги

Газна x/v 23402000300100001010

Банкнинг номи Марказий банк Тошкент  
МФО 00014

газначилик бўлинмаси СТИРи 201122919

Рахбар   
(лавозим) X.A. Курбонов  
(Ф.И.Ш)

«Буюртмачи»

Узбекистон тумани МТБ  
(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Яйпан шахри Зиёкор 98

Тел./факс \_\_\_\_\_  
ш/х\* 100022860302307091100251048

305153082

Газначилик бўлинмаси номи

Узбекистон туман газначилиги

Газна x/v 23402000300100001010

Банкнинг номи Марказий банк Тошкент  
МФО 00014

газначилик бўлинмаси СТИРи 201122919

Рахбар   
(лавозим) Z.Z. Тузимова  
(Ф.И.Ш)

(имзо)



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI**  
**FARG'ONA VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI**  
**O'ZBEKISTON TUMAN YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI**

151800, O'zbekiston tumani, Ziyokor ko'chasi, tel.: (998 73) 539 15 38,  
[www.farg'ona.adliya.uz](http://www.farg'ona.adliya.uz), el.pochta: [uzbekiston.t-yurmarkaz@adliya.uz](mailto:uzbekiston.t-yurmarkaz@adliya.uz)

2022-yil 16-may

Yaypan shahri

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING  
QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA  
HUQUQIY XULOSA**

**1.Loyihaning turi : Shartnoma.**

**2.Loyihaning nomi: Mahsulot yetkazib berish shartnomasi.**

**3.Loyihani ishlab chiqqan tashkilot: O'zbekiston tumani Maktabgacha ta'lim bo'limi.**

**4.Loyiha yuzasidan ma'lumot:**

O'zbekiston tumani Maktabgacha ta'lim bo'limi va O'zbekiston tuman tibbiyot birlashmasi o'rtaida 1200 nafar erkaklar uchun har biriga 106.000 so'm va 228 nafar ayollar uchun har biriga 79.000 so'm umumiyligi bahosi 145.212.000 (bir yuz qirq besh million ikki yuz o'n ikki ming) so'm bo'lgan tibbiy xizmatlar ko'rsatish to'g'risidagi shartnomasi loyihasi huquqiy xulosa olish uchun taqdim qilingan.

O'zbekiston Respublikasining 29.08.1998 yildagi "Xo'jalik yurituvchi subyektlarning shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonunning 5-moddasiga asosan yuridik shaxslar, shuningdek yuridik shaxs tashkil etmagan holda tadbirkorlik faoliyatini amalga oshirayotgan jismoniy shaxslar xo'jalik shartnomalarining subyektlari (taraflari) bo'ladi.

O'zbekiston Respublikasining 29.08.1998 yildagi "Xo'jalik yurituvchi subyektlarning shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonunning 10-moddasi birinchi qismiga ko'ra, xo'jalik shartnomasi shartnoma predmetini, yetkazib beriladigan tovarning (ishning, xizmatning) miqdori, sifati, assortimenti va bahosini, shartnomaning bajarilish muddatlarini, hisob-kitob qilish tartibini, taraflarning majburiyatlarini, shartnoma majburiyatları bajarilmaganda yoki lozim darajada bajarilmaganda taraflarning javobgarligini, nizolarni hal etish tartibini hamda taraflarning rekvizitlarini, shartnoma tuzilgan sana va joyni, shuniqdek bunday turdagи shartnomalar uchun qonunchilikda belgilangan yoki taraflardan birining arizasiga ko'ra o'zaro kelishuvga erishish lozim bo'lgan boshqa muhim shartlarni nazarda tutishi kerak. Shartnoma loyihasida mazkur Qonun talablariga amal qilingan holda mazkur shartlar nazarda tutilgan.

Fuqarolik kodeksining 108-moddasiga asosan yuridik shaxslarning o‘zaro bitimlari oddiy yozma shaklda tuzilishi belgilangan. Taqdim etilgan shartnomasi oddiy yozma shaklda tuzilgan. Shartnomaga shartnoma tuzish vakolati bo‘lgan mansabdar shaxs tomonidan imzolanishi lozim.

O‘zbekiston Respublikasining 2021-yil 22-apreldagi “Davlat xaridlari to‘g‘risida”gi O‘RQ-684-sonli Qonunining 56-moddasi birinchi qismiga ko‘ra, eng yaxshi takliflarni tanlash vositasidagi davlat xaridi quyidagi shartlar bir vaqtning o‘zida bajarilgan taqdirda amalga oshiriladi:

g‘olibni aniqlash mezonlari tovar (ish, xizmat) davlat xaridining nafaqat pul ifodasiga, balki miqdoriy va sifat bahosiga ham ega bo‘ladi;

tovarning (ishning, xizmatning) qiymati bir shartnoma bo‘yicha bazaviy hisoblash miqdorining yigirma besh ming baravarigacha (budget buyurtmachilar uchun olti ming baravarigacha) bo‘lgan miqdorni tashkil etadi.

Mazkur Qonunning 62-moddasi birinchi qismida “Takliflarni taqqoslash natijalariga ko‘ra xarid komissiyasi tanlash g‘olibini aniqlaydi va tanlash o‘tkazish natijalarini bayonnomada aks ettiradi.” deb belgilangan.

O‘zbekiston tumani Maktabgacha ta‘lim bo‘limi xarid komissiyasining 2022-yil 11-maydagi 78593-sonli majlis bayoniga asosan O‘zbekiston tuman tibbiyot birlashmasi bilan shartnoma tuzilishi belgilangan.

“Davlat xaridlari to‘g‘risida”gi Qonunning 63-moddasi birinchi qismiga asosan tanlash natijalariga doir shartnoma tanlash bo‘yicha xarid qilish hujjatlarida va o‘zi bilan shartnoma tuzilayotgan tanlash ishtirokchisi tomonidan taqdim etilgan taklifda nazarda tutilgan shartlar asosida tuziladi.

Taqdim etilgan hujjatlarni o‘rgangan holda va yuqoridagilarga asosan:

### XULOSA QILAMAN:

O‘zbekiston tumani Maktabgacha ta‘lim bo‘limi va O‘zbekiston tuman tibbiyot birlashmasi o‘rtasida 1200 nafar erkaklar uchun har biriga 106.000 so‘m va 228 nafar ayollar uchun har biriga 79.000 so‘m umumiy bahosi 145.212.000 (bir yuz qirq besh million ikki yuz o‘n ikki ming) so‘m bo‘lgan tibbiy xizmatlar ko‘rsatish to‘g‘risidagi shartnomasi loyihasi amaldagi qonunchilik talablariga muvofiq hisoblanadi.

**Markaz bosh yuriskonsul‘ti**



**A.Turdialihev**